ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01-РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

УТАПОВ НЕЪМАТУЛЛО ЭГАМҚУЛОВИЧ

ЧИГИРТКАЛАРГА ҚАРШИ КИМЁВИЙ ПРЕПАРАТЛАРНИ ЎТА КАМ ҲАЖМДА (УМО) ПУРКАШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИНИ ЯРАТИШ

06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

УЎТ: 632.7.727.934.14

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural sciences

Утапов Неъматулло Эгамқулович
Чигирткаларга карши кимёвий препаратларни ўта кам ҳажмда (УМО) пуркашнинг илмий асосларини яратиш..... 5

Утапов Неъматулло Эгамкулович
Разработка научных основ химических препаратов ультра малообъемного опрыскивания против саранчовых..... 19

Utapov Ne'matullo Egamqulovich
Development of the scientific based ultra-low volume (ULV) spraying of chemical pesticides against locusts …..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of publication works……..... 39

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01-РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

УТАПОВ НЕЪМАТУЛЛО ЭГАМҚУЛОВИЧ

ЧИГИРТКАЛАРГА ҚАРШИ КИМЁВИЙ ПРЕПАРАТЛАРНИ ЎТА КАМ ҲАЖМДА (УМО) ПУРКАШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИНИ ЯРАТИШ

06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Qx357 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Туфлиев Нодирбек Хушвактович** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	**Кимсанбаев Хужамурод Хамроқулович** биология фанлари доктори, профессор
	Холлиев Асамиддин Тураевич қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**Ўздавкарантин инспекциясининг Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» январь, соат 13^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz.; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№542126-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.: (99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2020 йил « 26 » декабрда тарқатилди.
(2020 йил «26» ноябрдаги 09.4 -рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Сулаймонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Я.Х.Юлдашов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.н., профессор

Э.Т.Бердиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш кошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда, қишлоқ хўжалиги экинларига хавф туғдирадиган зараркунандаларга қарши замонавий кураш усул ва воситаларини такомиллаштириб бориш ҳамда уларни амалиётга кенг тадбиқ этиб бориш долзарб ҳисобланади. Жумладан, оммавий кўпайиб зарар келтирадиган чигиртка турларига қарши ўз вақтида кураш чора-тадбирлари ўтказилмаса, ушбу зараркунанадалар таъсирида айрим қитъалар (Африка, Осиё) давлатларида қишлоқ хўжалик экинларини еб битириши натижасида биргина 2020 йилда 0,5 млрд. доллар қийматига тенг олинадиган ҳосил йўқотилди ва оқибатда эса инсонларни озиқ-овқат маҳсулотларисиз қолдириб, очарчилик хавфи юзага келишига сабаб бўлди[1].

Жаҳонда бугунги кунда чигирткаларнинг зарарли турларига қарши курашишда замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, зарарли чигирткалар биологияси, экологияси ва ривожланиш хусусиятларини ўрганиш асосида, улар тарқаладиган ҳудудлар жойлашувининг ноқулай бўлганлиги сабабли, уларга қарши янги иш унуми юқори бўлган ресурстежамкор кураш тизимини ишлаб чиқиш, замонавий воситаларнинг самарадорликларини аниқлаш, зарарли чигирткаларга қарши кураш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар ўтказиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки Республикамизда чигирткалар асосан тоғолди, яйлов ва чўл ҳудудларида кенг тарқалиб, нафақат ушбу ҳудудлардаги мавжуд ўсимликларга хавф туғдиради балки ёппасига кўпайганда барча қишлоқ хўжалиги экинларига зарар келтиради. Аҳолимизни озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида яйловлардаги мавсумий ва кўп йиллик ўсимликларни ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини зарарли чигирткалардан ҳимоя қилиш муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» бўйича устувор вазифалар белгиланган. Шунинг учун зарарли чигирткаларнинг ёппасига кўпайиб, яйлов ўсимликлари ва қишлоқ хўжалик экинларига жиддий хавф туғдиришини олдини олиш мақсадида Республикамиз ҳудудларида учрайдиган чигирткаларнинг асосий зарарли турларининг тарқалиш нисбатини аниқлаш, биоэкологик хусусиятларини ўрганиш асосида уларга қарши самарали экологик хавфсиз усул ва воситалар мажмуини яратиш ҳамда жорий қилишни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ЎРҚ-409-сон қонуни, Ўзбекистон

[1] http://www.fao.org/food-chain-crisis

Республикасининг 2018 йил 9 июлдаги «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида ЎРҚ-484-сон қонуни ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиёти ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экологик ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Зарарли чигирткаларнинг ривожланиши ва уларга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича маҳаллий (Ф.А.Гаппаров, Ш.Т.Хўжаев, Ш.К.Худанов, Медетов М.Ж, Н.Х.Туфлиев, А.Ф.Хайтмуратов) ва хорижий (A.V.Latchininsky, Xiangchu Yin, D.Hunter, M.G.Sergeev, C.Kooyman, Т.Б.Токгаев, В.И.Долженко, Э.Д.Абашидзе, Д.Н.Говоров) тадқиқотчилар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Республикамизда тарқалган зарарли чигирткалар ривожланиш хусусиятлари, тарқалиш кўрсаткичлари, оптимал ишлов ўтказиш муддатлари тўлиқ ўрганилмаганлигини кўрсатди. Зарарли чигирткаларга қарши инсектицидларни ўта кам ҳажмда пуркаш (УМО) усули ёрдамида ишлов ўтказиш регламентлари ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун мавжуд бошқа ишлов воситаларга нисбатан ўта кам ҳажмда пуркаш(УМО)нинг биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорликлари ҳамда афзалликларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҚХА-10-086 «Ўзбекистонда зарарли чигирткаларни экологик мониторинги ва уларга қарши кураш тизимини модернизация қилиш» (2009-2011 йй.); КХА-9-056 «Ўзбекистонда зарарли чигирткаларга қарши микробиологик кураш тизимини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.); КХИ-5-062-2014 «Зарарли чигирткаларга қарши курашда инсектицидларни тўсиқ (барьер) усулида қўллаш бўйича ресурстежамкор тадбирларни амалиётга жорий қилиш» (2014-2015 йй.); КХА-9-068 «Қишлоқ хўжалик экинлари атрофида кенг тарқалган зарарли маҳаллий чигирткаларнинг турларини ўрганиш ва уларга қарши кураш мажмуини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) мавзуларидаги амалий ва инновация лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади чигирткаларнинг асосий зарарли турларини, биологиясини ва кимёвий ишлов ўтказишнинг энг мақбул муддатини ўрганган ҳолда инсектицидларни ўта кам ҳажмда (УМО) пуркашдан фойдаланишнинг биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорликларини илмий асослаш.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат**:**

зарарли чигирткалар кенг тарқалган ҳудудларда уларнинг фаунасини таҳлил қилиш ва доминант турлари кўрсаткичини белгилаш;

марокаш чигирткасига қарши ўта кам ҳажмда пуркаш (УМО) мосламаси билан узоқ таъсир этувчи препаратларни ишлатишнинг биологик самарадорлигини аниқлаш;

тўда ҳосил қилмайдиган чигиртка турларига қарши узоқ муддат таъсир этувчи препаратларни ўта кам ҳажмда пуркаш (УМО) усулида фойдаланишнинг афзалликларини ўрганиш;

пиретроидлар гуруҳига мансуб инсектицидларни зарарли чигирткаларга қарши ўта кам ҳажмда пуркаш (УМО) усулида ишлатишнинг самарадорлигини аниқлаш;

ўта кам ҳажмда пуркаш (УМО) усулида фойдаланилган инсектицидларни фойдали ҳашаротларга таъсирини ўрганиш;

чигирткаларга қарши курашда ўта кам ҳажмда пуркаш(УМО)нинг хўжалик ва иқтисодий самарадорликларини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республикамиз ҳудудларида тарқалган зарарли чигиртка турлари ва уларга қарши кимёвий гуруҳга мансуб инсектицидларни ўта кам ҳажмда пуркаш (УМО) усули танланган.

Тадқиқотнинг предмети зарарли чигирткаларга қарши инсектицидларни ўта кам ҳажмда пуркаш (УМО) усулида ишлов олиб боришнинг биологик, хўжалик ва иқтисодий самаралилигини аниқлаш ҳамда қўллаш регламентларини белгилаш.

Тадқиқотнинг усуллари Тадқиқотлар умумий энтомология ҳамда қишлоқ хўжалик энтомологиясида кенг фойдаланиладиган усул ва услублар ёрдамида бажарилди.

Зарарли чигирткалар тур таркибини аниқлашда Г.Я.Бей-Биенко, Л.Л.Мищенко, Л.М.Копанева, аниқлагичлари ёрдамида зарарли чигирткаларга қарши қўлланилган кимёвий воситаларнинг биологик самарадорлиги В.В.Курдюков, Ш.Т.Хўжаев, Ф.А.Гаппаров услубида аниқланди. Препаратларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашда Н.Р.Гончаров ва бошқ., усулидан фойдаланилди. Тажрибалардан олинган маълумотлар Б.А.Доспехов услублари бўйича математик-статистик таҳлил қилинди. Қўлланилган усулларнинг иқтисодий самарадорлиги К.А.Гар услублари асосида ҳисобланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Республикамиз ҳудудларида чигирткаларнинг зарарли турларининг тарқалиш кўрсаткичлари, уларнинг кўпайиш сабаблари, зарари ва ривожланиш хусусиятлари аниқланган;

экологик безарар узоқ муддат таъсир этувчи мойли 5% м.с., Номолт УМО инсектицидини тўда ҳосил қилувчи ва тўда ҳосил қилмайдиган зарарли чигирткаларга қарши қўллашнинг имкониятлари аниқланган;

илк бор зарарли чигирткаларга қарши курашда ўта кам ҳажмда пуркаш (УМО) мосламасидан фойдаланишда, 1 гектар майдонга кетадиган харажатни бошқа ишлов воситаларига нисбатан ўртача 21200-56600 сўмгача

(2019 йил қиймат бўйича) камайиши сабабли, иш унуми юқори бўлиши аниқланган;

Республикамиз ҳудудларида тарқалган зарарли чигирткаларга қарши турли кимёвий гуруҳга мансуб, инсектицидларнинг биологик самарадорлиги аниқланган;

зарарли чигирткаларга қарши ўта кам ҳажмда пуркаш (УМО) мосламасидан фойдаланилганда бошқа кураш воситаларига нисбатан ишлов ўтказишнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат.

Республикамиз ҳудудларида учрайдиган чигирткаларнинг асосий зарарли турларига қарши замонавий ўта кам ҳажмда пуркаш (УМО) мосламасида кураш олиб боришнинг афзалликлари ва самаралилиги асослаб берилган;

олинган натижаларга асосан 2007-2010 йилларда Республикамиз бўйича зарарли чигирткаларга қарши 88708 гектар майдонда экологик безарар узоқ таъсир этувчи 5% м.с., Номолт УМО препарати қўлланилди; мавжуд пиретроид препаратлар билан ўта кам ҳажмда пуркаш усули ёрдамида эса 712582 гектар майдонда кураш ўтказилган.

зарарли чигирткаларга қарши курашда инсектицидларни бошқа ишлов ўтказиш техникаларига нисбатан ўта кам ҳажмда пуркаш (УМО) мосламасида ишлов олиб борилганда гектаридан ўртача 21200-56600 сўм маблағ иқтисод қилиниши ҳамда юқори иш унумдорлиги туфайли юксак хўжалик ва иқтисодий самарадорликка эришиш мумкинлиги илмий асосланган ва ишлаб чиқаришга тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўтказилган дала ва лаборатория тажрибалари услубий жиҳатдан тўғрилиги, махсус ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, диссертация ишида қўлланилган услублар тадқиқотларни бажаришга мослиги, олинган натижалар Республика ва хорижий олимларнинг тажрибалари билан таққосланганлиги, маълумотлар ишончлилиги, тадқиқотлар йўналиши Давлат буюртмалари бўйича амалий, инновация лойиҳаларининг таркибий қисми эканлиги, тадқиқотлар натижалари Республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, тажрибалар натижаларининг Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий илмий журналларда илмий мақолалар сифатида чоп этилганлиги, ишлаб чиқаришга тавсиялар жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти Республикамизнинг чигирткалар тарқалган ҳудудларида учрайдиган асосий зарарли чигиртка турлари, уларнинг турлараро тарқалиш кўрсаткичлари, ривожланиш хусусиятларининг фенологиясини тузилганлиги билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти Республикамиз вилоятларида учрайдиган асосий зарарли чигирткаларга қарши ўта кичик

ҳажмда пуркаш (УМО) усулида кураш олиб боришнинг бошқа мавжуд кураш технологияларга нисбатан сарф этиладиган маблағ иқтисод қилиниши, қарши кураш ўтказиладиган ҳудудларни кенг қамраб олиниши ҳисобига иш унумдорлигининг ошиши, энг муҳими – табиатда мавжуд бошқа айрим бўғимоёқли жонзотларнинг қирилиб кетишининг олдини олиши амалий жиҳатдан исботланиши билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республикамизнинг зарарли чигирткалар тарқалган ҳудудларида уларга қарши курашда инсектицидларни ўта кичик ҳажмда пуркаш (УМО) мосламасидан фойдаланиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

Республикамизда тарқалган зарарли чигирткаларга қарши махсус ўта кам ҳажмда пуркаш (УМО) усулида ишлов учун мўлажалланган Номолт, 5% м.сус. УМО кимёвий препарати “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ўсимлик зараркунандалари, касалликларига қарши фойдаланиш учун рухсат этилган кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари Рўйхати”га киритилган (Ўзбекистон Республикаси кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари давлат комиссиясининг 2020 йил 25 февралдаги 2-6/1-39-сон маълумотномаси). Натижада ушбу рўйхатга киритилган воситалардан зарарли чигирткаларга қарши курашда кенг фойдаланилган;

олинган натижаларга асосан 2007-2010 йилларда Республикамизда тарқалган зарарли чигирткаларга қарши Номолт 5% м.сус. УМО препарати жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 27 мартдаги 02/025-1047-сон маълумотномаси). Натижада 920 кг қўшимча пичан-хашак ҳосили ва 802050 сўм соф фойда олишга ва 191% рентабелликка эришилган.

Атилла 5% эм.к. кимёвий препарати билан 2008-2013 йилларда ўта кам ҳажмда пуркаш (УМО) мосламаси ёрдамида 712582 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 27 мартдаги 02/025-1047-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида гектаридан 670 кг қўшимча пичан-хашак ҳосили ва 579550 сўм соф фойда олишга ҳамда 190% рентабелликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва ЎҲҚИТИ томонидан тузилган махсус апробация комиссияси аъзолари томонидан кўрикдан ўтказилган ва ижобий баҳоланган. Диссертация натижалари бўйича 1 та Республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган. Шунингдек, 2 та илмий-услубий қўлланма ва 2 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши 104 саҳифада ёзилган бўлиб, кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотлар долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда предмети ва объектлари тавсифланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Зарарли чигирткалар ва уларга қарши кураш чоралари**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий адабиётлар, интернет маълумотлари келтирилган ҳамда илмий тадқиқотлар натижаларининг батафсил таҳлили берилган. Дунё ва юртимизда учрайдиган чигирткаларнинг зарарли турлари, уларнинг тарқалиши, зарари ва уларга қарши курашда фойдаланилаётган мавжуд усул ва воситаларнинг самарадорликлари бўйича маълумотлар келтирилган. Шунингдек чигирткаларнинг табиий кушандаларининг аҳамияти, зарарли чигирткаларга қарши агротехник, биологик, кимёвий курашнинг имкониятлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказилган жой ва фойдаланилган услублар»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган жойларнинг иқлими ва географик жойлашуви ҳамда тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган.

Тадқиқотлар Қашқадарё, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг чигирткалар тарқалган ҳудудларида ва ЎҲҚИТИнинг «Зарарли чигирткаларни ўрганиш» лабораториясида олиб борилди.

Чигирткаларнинг тухум кўзачалари турларини аниқлашда М.Е. Черняховский услубидан, чигирткаларнинг сонини, зичлигини ҳисоблаш, намуна тўплаш баҳор ва ёз ойларида чигирткалар кўп тарқалган майдонларда Е.П.Цыпленков, Ф.А.Гаппаров ва бошқ. усулларидан, чигирткалар турларини, ёшини аниқлаш эса Г.Я.Бей-Биенко, Л.Л.Мищенко, А.В.Лачининский ва бошқаларнинг аниқлагичлари ёрдамида амалга оширилди.

Чигирткалар тарқалган ҳудулардаги текинхўр ва йиртқич ҳашарот турларини Л.М.Копанева аниқлагичлари ёрдамида аниқланди. Лаборатория ва дала тажрибаларида Республикамизда кенг тарқалган зарарли чигирткалардан марокаш, воҳа, Турон, отбосар, чўл ва бошқа тур чигирткаларнинг асосий зарарли турларига қарши махсус УАЗ-469, УАЗ-ПИКАП автомашиналарига ўрнатилган Микронейер AU 8115 ва Микронейер Ульвамаст В3 ўта кам ҳажмда пуркаш (УМО) усулининг самарадорликларини аниқлаш асосида ўтказилди.

Зарарли чигирткаларга қарши махсус ўта кам ҳажмда (УМО) пуркаш усулига ихтисослаштирилган ва бошқа кимёвий инсектицидларнинг биологик самарадорлигини аниқлаш бўйича дала тажрибаларимизни

инсектицид турига қараб гектарига 0,1 дан 2 л/га ҳисобида иш эритма сарфлаб бажарилган бўлса, ОВХ-600 трактор пуркагичида 200 л/га ишчи эритмани сарфлаш орқали, К-90 осма моторли қўл аппаратида эса 120 л/га ишчи аралашмани қўллаш орқали ўтказилди.

Ўтказилган барча тажрибаларда энтомологик ҳисоб-китоблар препаратлар таъсир этиш механизми, хусусиятлари ва қўлланилган усулларга мос равишда олиб борилди. Тажрибаларида зарарли чигирткаларга қарши қўлланилган препаратларнинг биологик самарасини ҳисоблаш В.В.Курдюков, Ш.Т.Хўжаев, Ф.А.Гаппаров услубидан фойдаланилди.

Препаратларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаб чиқариш учун Н.Р.Гончаров ва бошқ. усулидан, тажрибаларнинг натижалари К.А.Гар, Б.А.Доспехов усулларига асосан дисперсион таҳлил қилинди. Зарарли чигирткаларга қарши курашда ўта кам ҳажмда пуркаш (УМО) усулида курашишнинг илмий асосларини яратиш бўйича тадқиқот йўналишлари диссертацияда тўлиқ баён этилган.

Диссертациянинг **«Зарарли чигирткаларнинг тур таркиби, биоэкологияси ва уларга қарши кураш муддатларини белгилаш»** деб номланган учинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган барча йиллари (2005-2017 йй.) республикамизнинг 3 та ҳудудида (Кашқадарё, Жиззах ва Қорақалпоғистонда) чигирткалар намуналари йиғилиб, уларнинг тур таркиби ва зичлиги ўрганиб борилди. Якунланиб мужассамланган 1-жадвалга 25 та чигиртка тури киритилган.

Буларнинг барчаси Қашқадарё вилоятининг тоғолди ва чўл минтақаларида учрасада, озроқ қисми Жиззах (14) ва Қорақалпоғистондаги (13) чигиртка тарқалган уяларда учраши маълум бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида тарқалган зарарли чигирткаларнинг тур таркибини ўрганиш борасида олиб борилган тадқиқотларимиз натижасига кўра ҳудудларда асосан *Calliptamus italicus L.* – италия чигирткаси, *C. Barbarus* – чўл чигирткаси, *Locusta migratoria L.* – Осиё чигирткаси, *Sphingonotus halocnemi* Uv., *C. turanicus* каби турларнинг ярим чўл, дашт, яйлов ва пичанзорларда кенг тарқалганлигини аниқланди.

Тадқиқотлар хулосасига кўра Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари ҳудудида марокаш чигирткаси (*D. maroccanus Thunb*) доминантлик қилиши ва унинг улуши 84,6%-86,5%ни ташкил қилиши, Қорақалпоғистон республикаси худудида эса *Calliptamus, Sphingonotus, Derycorus* ва *Locusta* авлодларига мансуб чигиртка турлари кенг тарқалиб, улар орасида *C. italicus* доминантлик қилиши ва унинг ҳиссаси 84,6% дан иборат бўлиши маълум бўлди.

Турлар миқдорининг зичлиги бўйича эса, тоғ олди ҳудудларида *D. maroccanus, D. tartarus, Notostaurus albicornis albicornis* турлари доминантлик қилса, тоғли худудларда *C. turanicus., C. italicus., C. barbarus cephalotes., Ramburiella turcomana., O. decorus., O. miniata* турларининг миқдори анча кўп эканлиги, *D. kraussi nigrogeniculates* тури эса иккала географик ҳудудда ҳам кенг тарқалганлиги аниқланди.

1-жадвал

Қашқадарё ва бошқа минтақаларда учрайдиган чигиртка турлари ва уларнинг зичлиги

(2005-2017 йй. далиллари)

	Чигиртка турлари	Ландшафт	
		Тоғ олди текисликлари	Тоғ ҳудудлари, қир-адирлик, тепалик ва дўнгликлар
1.	*Dericorys albidula* Serv.	+	
2.	*D. tibialis* (Pall)	+	+
3.	*Conophyma uvarovi uvarovi* Sem.		+
4.	*Anacridium aegyptium* (L.)	+	+
5.	*Calliptamus turanicus* Tarb.	+	++
6.	*C. italicus* (L)		++
7.	*C. barbarus cephalotes* (Costa.)	+	++
8.	*Sphodromerus luteipes* Vv.		+
9.	*Pyrgomorpha conica deserti.* B.	+	+
10.	*Atrichotmethis semenovi* (Zub.)	+	+
11.	*Egnatius apicalis* Staf.	+	+
12.	*Truxalis eximia* Eichw.	+	+
13.	*Duroniella kalmyka* Ad.	+	+
14.	*Ramburiella turcomana* (F.d.W.)	+	++
15.	*Dociostaurus maroccanus* (Thunb.)	+++	+++
16.	*D. tartarus* Stshelk.	++	+
17.	*D. plotnikovi* Vv.	+	+
18.	*D. kraussi nigrogeniculatus* Serg.Tarb.	++	++
19.	*Notostaurus albicornis alpicornis* (Ev.)	++	+
20.	*Chorthippus higuttulus Meribionalis.*	+	+
21.	*Oedaleus senegalensis* (Krauss.)	+	+
22.	*O. decorus* (Germ.)	+	++
23.	*Pyrgodera armata* F.W.	+	+
24.	*Oedipoda miniata miniata* (Pall.)	+	+
25.	*O. caerulescens* L.	+	++

+ + + жуда кўп (зичлиги ва зарар келтириш даражаси бўйича); + + - ўрта; + -жуда оз

Марокаш чигирткасига қарши ўта кам ҳажмда пуркаш усули билан кураш чораларини ўтказиш давомида маълум бўлдики, кимёвий кураш чора-тадбирларини ўтказиш муддатлари, нафақат марокаш чигирткаси, балки отбосар, чўл, тўрон чигирткаларининг ривожланиш ҳолатларини инобатга олган ҳолатда ўтказилиши керак.

Келтирилган жадвалдаги маълумотларга асосланиб, препаратларни ишлатиш муддатини апрел ойининг биринчи ва иккинчи декадаларига белгилаш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилиб, Қашқадарё вилоятида марокаш чигирткаси кенг тарқалган майдонларда қишлоқ хўжалик экинларига зарар келтирувчи чигирткаларнинг фенологик ривожланиши асосида уларга қарши илмий асосланган кимёвий кураш олиб бориш муддатлари белгилаб берилди (2-жадвал).

2-жадвал

Қашқадарё вилоятида зарарли чигирткаларнинг ривожланиш фенологияси ва уларга қарши кураш олиб бориш муддатлари

Чигиртка-ларнинг турлари	Март			Апрел			Май			Июн			Июл			Август		
	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III
Марокаш чигирткаси	оо	оо -- ———	оо --	--	--	-- ———	-- +	+	+ оо	+ оо	+ оо	оо	оо	оо	оо	оо	(оо)	(оо)
Отбосар чигирткаси	оо --	-- ———	--	--	-- ———	+	+	+ оо	+ оо	оо	оо	оо	оо	оо	оо	оо	(оо)	(оо)
Турон чигирткаси	оо	оо	оо	оо	оо -- ———	-- ———	-- ———	-- ———	-- +	+	+	+	+	+	+ оо	оо	(оо)	(оо)
Чўл чигирткаси	оо	оо	оо	оо	оо -- ———	-- ———	-- ———	-- ———	-- ———	-- + ———	+	+	+	+	+ оо	+ оо	+ (оо)	+ (оо)

Шартли белгилар: оо – тухум, -- - личинка, + - етук зот, ——— - илмий-асосланган кимёвий кураш муддати, (оо) – қишлашга кетган тухумлар.

Зарарли чигирткаларга қарши ўта кам ҳажмда пуркаш усулида кураш чораларини олиб бориш биологик асосланган ҳолда ташкил қилиниши учун бу турларнинг тухумдан чиқиши ва личинкалик ривожланиш муддатларини аниқ башорат қилиш тавсия қилинди. Шунинг учун ҳам бир нечта зарарли турларга қарши кураш чораларини самарали олиб бориш учун уларнинг тухумдан чиқиш ва ривожланиши муддатларига асосан белгиланди.

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Зарарли чигирткаларга қарши курашда ишлатиладиган янги техника воситалари ва препаратларнинг самарадорлиги»** деб номланиб, ушбу бобда марокаш чигирткасига қарши курашда махсус гормонал таъсир этиш хусусиятига эга бўлиб таъсирини узоқ муддат сақлаб колишга қодир – 5% лик м.с. Номолт УМО инсектицидини ўта кичик ҳажмда пуркаш усули билан ишлатиб кўриш бўйича қўйилган тажрибаларнинг натижалари келтирилган. Тажрибалар Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари шароитларида 2005 ва 2006 йиллар мобайнида ўтказилган. Қамаши туманининг Ғаллакор хўжалигида ўтказилган тажрибаларнинг умумлаштирилган натижалари 3-нчи жадвалда келтирилди.

Натижалар шуни кўрсатдики, препарат самарадорлиги унинг сарф қилиш миқдорига боғлиқ бўлиб, тажрибанинг 6-куни энг юқори (0,175 л/га) сарф меъёрида препарат самарадорлиги 100% бўлса, энг паст (0,130 л/га) миқдорида 64,6%ни ташкил қилди. Лекин препаратни энг кам (0,130 л/га) ва ўртача миқдорда (0,150 л/га) ишлатилган вариантларда ҳам унинг самарадорлиги тажрибанинг 18-кунигача ортиб бориши ва юқори самара

кўрсатганлиги, бу препаратнинг ишлатиш сарф-меъёрини 0,150-0,175 л/га миқдорда белгилашга асос бўлди.

3-жадвал

Номолт УМО нинг 5% мойли суспензиясини марокаш чигирткаси личинкаларига нисбатан биологик самарадорлиги

Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани, Ғаллакор хўжалиги, апрел 2005-2006 йй.

Вариантлар (препарат ва меъёри)	Дори сепишгача чигиртканинг зичлиги, дона/м^2	Самарадорлик, % кунларга:					
		1	3	6	9	13	18
Номолт 5% м.с. УМО, 0,130 л/га	472,0	0,0	54,8	64,6	77,4	85,7	87,5
Номолт 5% м.с. УМО, 0,150 л/га	566,0	0,0	70,8	86,2	90,0	94,7	100
Номолт 5% м.с. УМО, 0,175 л/га	594,0	0,0	79,6	100	100	100	100
Циперметрин 25% м.к., 0,2 л/га (андоза)	487,0	92,4	70,4	35,6	0,0	0,0	100
Назорат (ишловсиз)	563,0	Чигиртканинг зичлиги, дона/м^2					
		558,0	552,0	543,0	536,0	529,0	506,0
ЭКФ $_{0,5}$				2,1	3,6	3,2	2,8

Республикамизда кейинги йилларда зарарли даражаси ортиб бораётган тўда ҳосил қилмайдиган зарарали чигирткаларга қарши Номолт УМО препаратининг биологик самарадорлиги ва зарарли чигирткаларга қарши ишлатилаётган кимёвий препаратларнинг бошқа тур ҳашаротлар ва бўғимоёқлиларга таъсир этишини ўрганиш борасида олиб борилган изланишлар натижалари ўрганилди (1-расм).



1-расм. Кимёвий препартлар билан ишланган ва назорат вариантидаги бўғимоёқлилар сонининг динамикаси (Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани 2009-2010 йй.)

Олинган маълумотларга кўра, Атилла, Циперметрин каби пиретроидларни чигирткаларга қарши ишлатиш натижасида, бошқа ҳашарот ва бўғимоёқлиларнинг қирилиб кетиши ва аксинча 5% ли м.с. Номолт УМО препаратининг бу фаунага салбий таъсир кўрсатмаганлиги аниқланди.

Номолт препарати ишлатилган майдонда бўғимоёқлилар сони назорат вариантдаги сингари анча кўп, энтомологик тутқичлар ёрдамида йиғилган намуналар сони тажриба бошланишида 150-200 дона бўлса, кейинчалик уларнинг миқдори 300-320 донагача ортиши кузатилди.

Зарарли чигирткаларга қарши ўта кичик ҳажмда пуркаш усули билан мойли пиретроид препаратлардан фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган Бест альфа УМО (10% м.с.), Фаскорд МР УМО, Пали УМО (1,25% м.с.) препаратларининг биологик самарадорлигини ўрганиш бўйича воҳа чигирткасининг ҳар хил ёшдаги личинкаларига нисбатан самарадорлиги аниқланди ва натижалари қуйидагича бўлганлиги қайд этилди (4-жадвал).

4-жадвал

Воҳа чигирткасининг личинкаларига қарши Пали, УМО инсектицидининг биологик самарадорлиги

Қорақалпоғистон, Мўйноқ т., Порлатау ҳ-и, MICRONAIR B3 (0,5 л/га), 06.2009-2010 йй.

Вариантлар	Ҳар 1 м^2 ерда ўртача чигирткалар сони, дона, n соатдан кейин:									Самарадорлик, % n соатдан кейин:		
	24			48			72					
	Тирик	Ўлик	Жами	Тирик	Ўлик	Жами	Тирик	Ўлик	Жами	24	48	72
2-3 ёш личинкага қарши												
Пали УМО 1,25 % м.с., 1,0 л/га	0,7	44,9	45,6	47,1	0,0	47,1	46,7	0,0	46,7	98,4	100	100
Пали УМО 1,25 % м.с., 1,4 л/га	0,4	43,4	43,8	42,6	0,0	42,6	43,1	0,0	43,1	99,0	100	100
Номолт УМО 5% м.с., 0,175 л/га (андоза)	47,1	2,6	49,7	37,2	11,1	48,3	23,7	18,5	42,2	5,2	22,9	43,8
Назорат	46,0	0,1	46,1	47,1	0,1	47,2	39,5	0,2	39,7	-	-	-
4-5 ёш личинкага қарши												
Пали УМО 1,25 % м.с., 1,0 л/га	0,9	35,2	36,1	0,2	30,6	30,8	0,0	29,1	29,1	97,5	99,3	100
Пали УМО 1,25 % м.с., 1,4 л/га	0,4	31,9	32,3	0,0	31,1	31,1	0,0	30,6	30,6	98,7	100	100
Номолт УМО 5 % м.с., 0,175 л/га (андоза)	32,6	1,6	34,2	26,1	6,6	32,7	17,1	12,7	29,8	4,6	20,1	42,6
Назорат	29,6	0,0	29,6	33,0	0,1	33,1	27,3	0,1	27,4	-	-	-
ЭКФ $_{0.5}$										0.4	0.2	0.1

Ўзбекистонда зарарли чигирткаларга қарши ўта кам ҳажмда пуркаш учун ихтисосланган тайёр мойли препаратлар камлиги сабабли пиретроидлар гуруҳига мансуб инсектицидларни сувли ишчи эритма ҳолда ўта кичик ҳажмда пуркаш орқали Атилла препаратининг сувли эритмасини 0,2 л/га сарф меъёрида ва 1,0-2,0 л/га ишчи эритма сарфлаб марокаш чигирткасининг личинкасига қарши биологик самарадорлиги аниқланганда Атилла препаратининг 2,0 л/га миқдордаги сувли эритмасининг самарадорлиги анча юқори, яъни 95,6% ва 96,5% эканлиги қайд қилинди (5-жадвал).

5-жадвал

Атилла инсектициди билан турли мосламалар ёрдамида ўта кам ҳажмли пуркашни марокаш чигирткасига қарши биологик самарадорлиги

Жиззах вилояти, Арнасой тумани, Хоразм хўжалиги, 05. 2009-2010 йй.

Вариантлар (турли мосламалар)	Сарф-меъёри, л/га	Ўртача 1 м^2 да чигирткалар сони, дона, n соатдан кейин									Самарадорлик, %		
		24			48			72					
		Тирик	Ўлик	Жами	Тирик	Ўлик	Жами	Тирик	Ўлик	Жами	24	48	72
Ульвамаст В3, 1,0 л/га	0,2	24,2	124,0	148,2	12,1	155,7	167,8	7,9	140,2	148,1	83,6	92,7	94,6
Ульвамаст В3, 2,0 л/га	0,2	19,2	146,7	165,5	10,8	160,4	171,2	8,0	157,4	165,4	88,3	93,6	95,1
AU 8115, 1 л/га	0,2	24,1	129,1	153,2	9,1	159,0	168,1	6,8	146,3	153,1	84,2	94,5	95,6
AU 8115, 2 л/га	0,2	17,6	134,6	152,2	7,0	133,8	140,8	5,1	147,1	152,4	88,4	95,0	96,5
ОВХ пуркагичи (200 л/га)	0,2	16,1	155,2	171,3	7,7	152,3	160,0	5,0	166,5	171,5	90,6	95,1	97,1
Назорат (ҳимоясиз)	-	148,0	0,2	148,2	129,0	1,1	129,1	168,0	1,2	169,2	0	0	0
ЭКФ $_{0.5}$											1,2	0,9	0,7

Диссертациянинг **«Чигирткаларга қарши курашда инсектицидларни ўта кам ҳажмда ишлатишнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги»** деб номланган бешинчи бобида Номолт УМО препаратини ўта кам ҳажмда пуркаш усули билан фойдаланишнинг тўла ҳажмда пуркаш усули ёрдамида Атилла препаратини ишлатишга нисбатан иқтисодий афзалликлари кўрсатилган. Катта ҳажмда пуркаш ишлари самарадорлигини белгилаш учун Атилла препаратини 0,2 л/га сарф-меъёрида ОВХ-600 пуркагичи тақилган ТТЗ-80.10 русумли трактордан, шунингдек, қўшимча техника воситалари сув ташувчи 2ПТС-4 цистерна тиркалган ТТЗ-80.10 русумли трактор ва унга кетган сарф харажатлар ҳам белгилаб олинди. Ўта кам ҳажмда пуркаш усулини иқтисодий самарадорлигини аниқланганда, Номолт УМО препаратининг нархи анча баланд бўлишига қарамасдан, ўта кам ҳажмда пуркашда қулайлиги кам сарфлилиги сабабли, бир гектар майдонга ишлов ўтказиш учун кетган жами харажат миқдоридан 18772,3 сўм/га маблағ иқтисод қилинар экан.

Ўзбекистонда зарарли чигирткаларга қарши фойдаланилаётган барча техник воситаларнинг кунлик ишлаш имконияти ва уларнинг кунлик иш унуми ва ишлов учун сарф этиладиган харажатлари ҳисоблаб чиқилганда натижаси қуйидагича бўлганлиги қайд этилди (6-жадвал).

Ўта кам ҳажмда пуркаш (УМО) усулида ишлов олиб борилганда бошқа техник воситаларга нисбатан афзаллиги гектаридан ўртача 21200-56600 сўмгача (2019 йил қиймат бўйича) маблағ тежаб қолишга, энг асосийси ҳар қандай (тоғолди, қир-адирлик, чўл) шароитда ҳаракатланиши, ишчи эритманинг кам сарфлаб, иш унумдорлигининг юқорилиги билан муҳим ўрин тутди.

6-жадвал.

Ўзбекистонда зарарли чигирткаларга қарши фойдаланиладиган воситаларнинг 1 гектар майдонга сарфланадиган ишлов ўтказиш харажатлари ва иш унуми (сўм/га) *(2019 йилги қиймат бўйича).*

Воситалар номи	Фойдаланила-диган воситалар иш унуми, 1 кун/га	Препаратнинг 1 гектарга сарф-меъёри, л/га	1 гектар-га препарат харажати	1 гектар-га ишлов харажати	Жами харажат
Ўта кам ҳажмда пуркаш Micronair AU-8115 мосламаси	150-300	0,25	18 750	11 700	30 450
Самолёт АН-2	125-250	0,25	18 750	68 300	87 050
Мотодельтаплан (Поиск-2)	150-500*	0,25	18 750	41 800	60 550
ОВХ-600 трактор пуркагич	15-20	0,25	18 750	50 600	69 350
ВП-1 трактор пуркагич	20-30	0,25	18 750	32 900	51 650
Осма моторли (К-45, К-90) қўл пуркагич	2-3	0,25	18 750	39 300	58 050

Изоҳ; * - шамол тезлиги 5 м/с ошса учиш амалиётини бажара олмайди.

Тажриба майдонларидан 1 гектардан ўртача 925 кг пичан-хашак олишга эришилиб, шундан гектаридан ўртача 58 дона пресланган пичан олинди. 2019-йилда кимёвий ишлов берилганда назоратга нисбатан гектаридан 802050 сўм соф фойда, ҳимоя учун сарфланган бир сўмни 19,1 мартагача ўзини оқлашига эришилар экан.

ХУЛОСАЛАР

1. Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари худудларидаги яйловларда *Dociostaurus* ва *Calliptamus* авлодларига мансуб чигиртка турлари кенг тарқалган бўлиб, марокаш чигирткаси (*Dociostaurus maroccanus Thunb*) доминантлик қилади ва унинг улуши 84,6% - 86,5%ни ташкил қилиши қайд этилди.

2. Қорақалпоғистон республикаси худудида *Calliptamus, Sphingonotus, Derycorus* ва *Locusta* авлодларига мансуб чигиртка турлари кенг тарқалган, улардан *Calliptamus italicus* L. доминантлик қилади ва унинг ҳиссаси 84,6% дан иборат эканлиги қайд этилди.

3. Марокаш чигирткасининг личинкаларига қарши ўта кам ҳажмда пуркаш (УМО) усули билан 5% ли м.с. Номолт УМО препаратини 0,150-0,175 л/га сарф-меъёрида ишлатилганида унинг биологик самарадорлиги 94,6 – 100% ни ташкил этди.

4. Тўда ҳосил қилмайдиган чигиртка турларига қарши ўта кам ҳажмда пуркаш (УМО) усули билан Номолт УМО препаратини 0,15 л/га сарф-меъёрида фойдаланишнинг биологик самарадорлиги ишловдан сўнг 6 кун ўтгач 91,0%, 13-нчи кун эса 100% биологик самарани қайд этди ва зарарли чигирткаларга қарши қўллаш учун тавсия этилади.

5. Воҳа чигирткасининг турли ёшдаги личинкаларига қарши Пали УМО, 1,25% м.с. (1,0л/га) ва Фаскорд УМО, МР (0,5 л/га) препаратларини ўта кам ҳажмда пуркаш усули билан 1 сутка давомида мос равишда 97,5-98,4% ва 98,1-98,4% биологик самара олинди.

6. Зарарли чигирткаларга қарши ўта кичик ҳажмда пуркаш усули билан махсус: Бест альфа УМО,10% м.с (0,1-0,2 л/га), Фаскорд УМО, МР (0,5 л/га), Пали УМО, 1,25% м.с. (1,0 л/га) инсектицидларини, ҳамда мойли пиретроид препаратларни MICRONAIR AU 8115 ва MICRONAIR Ульвамаст В3 русумли пуркагичлар ёрдамида ишлатиш 2 кундан кейин 93,4-100% биологик самара кўрсатди.

7. Сувда эритиб ишлатиш учун мўлжалланган Атилла инсектицидини (0,25 л/га) оддий (ОВХ-600, 200 л/га) ва ўта кам ҳажмда пуркаш (УМО) мосламалари билан солиштириб ишлатилганида, ҳар гектаридан сарфланган маблағ миқдори 9921,3 сўмга оз бўлди. Республика бўйича 2010 йил мавсумида жами 308 минг гектар яйловлар ўта кам ҳажмда пуркаш усули билан ҳимоя қилинди ва жами 3 млрд 55,7 млн сўм тежаб қолишга эришилди.

8. Циперметрин 25% эм.к. ва Атилла 5% эм.к. препаратлари чигирткалардан бошқа ҳашарот турларига ҳам кучли таъсир кўрсатади ва уларнинг сонини кескин камайтириб юборди. Экологик жиҳатдан хавфсиз бўлган Номолт УМО препарати эса бошқа энтомофаунага салбий таъсир кам кўрсатганлиги қайд этиб, келгусида ушбу препаратдан чигирткаларга қарши кенг фойдаланиш тавсия этилади.

9. Атилла инсектицидини (0,25 л/га) оддий усулда (ОВХ-600, 200 л/га), ҳамда ўта кам ҳажмда пуркаш учун мўлжаланган “Ульвамаст В3” ва “AU 8115” воситалари ёрдамида фойдаланиш юқори самара бериб, у тажрибанинг 3-нчи кунига келиб 94,6-96,5%ни ташкил қилди ва амалиётда қўллашга тавсия этилади.

10. Махсус гормонал Номолт, 5% м.сус. УМО инсектицидини ҳамда Атилла, 5% эм.к. препаратини (0,25 л/га) ўта кам ҳажмда пуркаш (УМО) мосламаси ёрдамида ишлов ўтказилганда назоратга нисбатан ҳар гектаридан 650-800 кг.гача қўшимча пичан-хашак ҳосили ва бу сақлаб қолинган ҳосилдан 579550-802050 сўм соф-фойда олишга ва ҳимоя учун сарфланган маблағнинг 19,1-19,0 мартагача оқланишига эришилди ва зарарли чигирткаларга қарши келгусида ўта кам ҳажмда пуркаш (УМО) усулидан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ЗАЩИТЫ РАСТЕНИЙ

УТАПОВ НЕЪМАТУЛЛА ЭГАМКУЛОВИЧ

РАЗРАБОТКА НАУЧНЫХ ОСНОВ ХИМИЧЕСКИХ ПРЕПАРАТОВ УЛЬТРА МАЛООБЪЕМНОГО ОПРЫСКИВАНИЯ ПРОТИВ САРАНЧОВЫХ

06.01.09 – Защита растений

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.4.PhD/Qx357.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте защиты растений.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Туфлиев Нодирбек Хушвактович** доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник
Официальные оппоненты:	**Кимсанбаев Хужамурод Хамрокулович** доктор биологических наук, профессор
	Холлиев Асамиддин Тураевич доктор сельскохозяйственных наук (PhD), доцент
Ведущая организация:	**Научно-исследовательский центр карантина растений при инспекции Узгоскарантин**

Защита диссертации состоится «21» январь 2021 года в 13^{00} часов на заседании Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером №542126). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская дом-2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан «26» декабрь 2020 года.
(реестр протокола рассылки номер 09.4 «26» ноябрь 2020 года.)

Б.А.Сулаймонов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., академик

Я.Х.Юлдашов
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с.-х.н., профессор

Э.Т.Бердиев
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.с.-х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Для обеспечения продовольственной безопасности в мире актуальным является совершенствование современных методов и средств борьбы против вредителей, угрожающих сельскохозяйственным культурам, а также широкое внедрение их в производство. В частности, при не проведении своевременных мероприятий по борьбе против видов саранчовых, массово размножающихся и наносящих вред, в странах некоторых континентов (Африка, Азия), в результате поедания сельскохозяйственных культур, только в 2020 году был потерян урожай на сумму 0,5 млрд. долларов, вследствие чего, люди остались без пищевой продукции, что явилось причиной появления риска голода[1].

В мире на сегодняшний день ведутся научно-исследовательские работы по широкому использованию современных технологий при борьбе против вредных видов саранчовых. В частности, на основе изучения биологии, экологии и особенностей развития вредных саранчовых, в связи с неблагоприятным расположением ареалов их распространения, проведение исследований по разработке новых, высокопродуктивных, ресурсосберегающих систем борьбы против них, определению эффективности современных средств, разработке технологий борьбы против вредных саранчовых приобретает все большее значение.

Как известно, в республике саранчовые широко распространены в основном в предгорных, пастбищных и степных регионах, которые представляют опасность не только для растений данных регионов, но, при массовом размножении, также наносят вред всем сельскохозяйственным культурам. С целью обеспечения продовольственной безопасности нашего населения важной задачей является защита сезонных и многолетних пастбищных растений, а также других сельскохозяйственных культур от вредных саранчовых. В этой связи, с целью предотвращения массового размножения вредных саранчовых, а также серьёзной опасности для пастбищных растений и сельскохозяйственных культур, необходимо создание комплекса эффективных, экологически безопасных методов и средств против них на основе определения соотношения распространения основных вредных видов саранчовых, встречающихся на территории нашей республики и изучения их биоэкологических особенностей.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Законами Республики Узбекистан № ЗРУ-409 от 21 сентября 2016 года «О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «Об охране и использовании растительного мира»», № 484 от 9 июля 2018 года «О внесении изменений и

[1] http://www.fao.org/food-chain-crisis

дополнений в Закон Республики Узбекистан «О карантине растений»», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и защита окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Научные работы по развитию саранчовых и разработке мероприятий борьбы против них проводились отечественными (Ф.А.Гаппаров, Ш.Т.Ходжаев, Ш.К.Худанов, Медетов М.Ж, Н.Х.Туфлиев, А.Ф.Хайтмуратов) и зарубежными (A.V.Latchininsky, Xiangchu Yin, D.Hunter, M.G.Sergeev, C.Kooyman, Т.Б.Токгаев, В.И.Долженко, Э.Д.Абашидзе, Д.Н.Говоров) исследователями.

